Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 172 (10.168). • 1991 йил 5 сентябрь • пайшанба • Баҳоси 8 тийин.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССРнинг Мустақиллик декларациясига ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши ушбу Қонунни қабул қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикаси, ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил, демократик давлатдир.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир. У ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмас бўлиб, унинг халқи ўз ҳоҳиш-иродасини эркин билдирмасдан туриб ўзгартирилиши мумкин эмас.

5-модда. Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Суверен Ўзбекистон Республикаси ҳудудида СССР Қуролли Кучларини шакллантириш ва уларга раҳбарлик қилиш масалаларида ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг моддий асоси унинг мулкидир.

Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, республиканинг маънавий бойликлари Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулки ҳисобланади.

8-модда. Давлат мулки объектлари, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг, шу жумладан Иттифоқ қарамоғида бўлиб келган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки, уларнинг асосий ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва оборот ёки бошқа фондлари ҳамда ўзга мол-мулки, ички коммуникация, транспорт, алоқа ва энергетика тизимлари, республика картографияси ва геодезияси Ўзбекистон Республикасининг мулкидир.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш республика қонунларига мувофиқ амалга оширилади. Республика ҳудудида жойлашган, Иттифоқ қарамоғида бўлиб келган давлат корхоналарини акцияли жамиятларга айлантириш, уларни мулкнинг бошқа шаклларига ўтказиш фақат Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган шартлар асосида ва тартибда амалга оширилади.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида олтин, бошқа қимматбаҳо металлар ва тошларни қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлашни мустақил амалга оширади ҳамда назорат қилади, ўз олтин захирасини яратади.

Ўзбекистон Республикаси СССРнинг олтин захирасида, олмос ва валюта жамғармаларида ўз улушига эга.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз пул бирлиги — миллий валютасини жорий этишга, жами пул оборoти, пул ва бошқа давлат қимматли қоғозлари эмиссияси ҳажмларини мустақил белгилашга ҳақли.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси мустақил молия ва кредит сиёсатини амалга оширади. Республика ҳудудида олинадиган солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига ва маҳаллий бюджетларга тушади.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси чет давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо алоқалари ва бошқа алоқалар ўрнатади, улар билан мухтор вакиллар айирбошлайди, халқаро шартномалар тузади, халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиши мумкин.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил субъекти бўлиб, чет эл инвестицияларини амалга ошириш шартларини, инвесторларнинг ҳуқуқларини белгилайди, ўзининг конверсия қилинадиган валюта жамғармасини яратади, олтин ва бошқа захираларни, айирбошланадиган валютани сотади ва сотиб олади.

15-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инсон ҳуқуқлари умумий Декларациясига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги жорий этилади.

Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллатидан, элатидан, ижтимоий чиқишидан, қайси динга мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар бир хил фуқаролик ҳуқуқларига эгадирлар, республика Конституцияси ҳамда унинг қонунлари ҳимоясида бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари республикадан ташқарида ҳам Ўзбекистон Республикасининг ҳимоясида бўладилар.

16-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йўлини, ўз номини аниқлайди, ўз давлат рамзларини: Герби, Байроғи, Мадҳиясини таъсис этади, ўз Давлат тилини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддасдир ва уларни ҳар қандай таҳқирлаш қонун билан жазоланади.

17-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудий бутунлигини ва мустақиллигини эътироф этади. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар тенг ҳуқуқлилик асосида, улар ўртасидаги икки томонлама шартномалар ва битимлар воситасида қурилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан тегишли қонунлар асосида эркин чиқиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 31 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА ОЛИЙ КЕНГАШ БАЁНОТИ

Ўтмишдан сабоқ чиқариб ва ССР Иттифоқининг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни эътиборга олиб,

— халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб,

— Ўзбекистон халқларининг тақдири учун бутун масъулиятни англаб,

— шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мустақил давлатлар ўртасидаги чегараларнинг бузилмаслиги тўғрисидаги Хельсинки Шартномаларига қатъий садоқатини баён этиб,

— миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъи назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт кечиришини, шани ва қадр-қимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга интилиб,

— Мустақиллик декларациясини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилади.

Ўзбекистон Республикасининг, ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга ҳудуди бўлинмас ва дахлсиздир. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатларга ҳудудий даъволари бўлмай, у ўз ҳудуди ва унинг табиий бойликларига нисбатан олий ҳуқуққа эгадир.

Давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳиби Ўзбекистон Республикасининг озод мустақил халқидир.

Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идораларининг тизимини мустақил белгилайди.

Ўзбекистон Иттифоқда ягона иқтисодий майдон вужудга келтирилиши, суверен ва мустақил давлатлар ўртасида мутлақо тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли шартларда сиёсий ва иқтисодий шартномалар тузилиши тарафдоридир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини, фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда ҳудудий бутунлигини ҳимоя қилиш мақсадларида Мудофаа ишлари вазирлиги ва Миллий гвардия тузилади. Республика ҳудудида жойлаштирилган СССР Ички ишлар вазирлигининг, СССР Давлат хавфсизлиги қўмитасининг идоралари, шунингдек ички қўшинлар Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тобеълигига олинди.

Ўзбекистон Республикаси СССР Мудофаа вазирлигининг республика ҳудудида жойлаштирилган ҳарбий қисмлари ва қўшилмаларини шакллантириш ҳамда уларга раҳбарлик қилишга ҳақли эканлигини маълум қилади, жамоа хавфсизлигини вужудга келтиришда ва ССР Иттифоқининг стратегик қўшинларини сақлашда қатнашади.

Халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда мустақил давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида қатнашади, унинг асосий мақсадлари мустаҳкам тинчлик, қуролсизланиш, ўз ҳудудини қурол-яроғлардан холи қилиш, ядровий қуролни ва бошқа оммавий қирғин қуролларини йўқотиш, суверен давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятларни ҳал этишда куч ишлатиш ва тазйиқ ўтказишга, энг аввало ҳарбий куч қўллашга йўл қўймаслик, инсониятнинг жаҳоншумул муаммоларини ҳал этишда давлатлар ҳамкорлиги ва халқлар бирдамлигидан иборатдир.

Бундан буён Ўзбекистон Республикаси ҳудудида республика Конституцияси ва Қонунлари шакшубҳасиз устун деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси олдиндан ҳеч қандай шарт қўймаган ҳолда барча шериклар билан бевосита тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли битимлар ҳамда шартномалар тузиш учун ўзини очиқ деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида яшовчи барча халқларга тенг сиёсий ҳуқуқларни ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланишда тенг имкониятларни кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси ирқчиликка, шовинизмга, миллатчиликка, халқларнинг ҳуқуқларини чеклаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъиян қарши чиқади.

Ўзбекистон Республикаси халқарс ҳуқуқ доирасида ҳамма эътироф этган қонун-қоидалар устунлигини тан олади.

Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида 1991 йил 31 августда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Олий Кенгаш **қарор қилади:**

1. Республиканинг давлат Мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёноти тасдиқлансин ва республика бундан буён Ўзбекистон Республикаси деб аталсин.

2. 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги куни деб белгилансин ва 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати республика Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрласин ҳамда уларни Олий Кенгашнинг муҳокамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Республиканинг мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қонунлар лойиҳалари устидаги ишларни тезлаштирсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши Иттифоқнинг ва унинг таркибига кирадиган барча мустақил давлатларнинг олий қонун чиқарувчи идораларига, барча хорижий давлатларга ва жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, уларни республиканинг давлат мустақиллиги эълон қилинган ҳужжатини тан олишга даъват этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 31 август.



Ҳар сафар заҳматкаш инсон медов даласида бўлганимда Иброҳим Нурмуҳамедов «деҳқон» сўзини алоҳида

ДЕҲҚОН

урғу ва ифтихор билан тилга олгим келаверади. Балки, чиндан ҳам йиллар давомида замин билан сирлашиб, унинг кўнглини топиб ишлаётган ана шундай фидойиларнинг меҳнати бу бир оғизгина каломга ўзгача маъно ва қўрк бахш этгандир...

Иброҳим ўрта мактабни битириб иш жойини дала деб билди. Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» жамоа хўжалигида узоқ йиллар кетмон чопди, сув таради. Уста миришкорлардан экинларни ўз вақтида парваришлашни ўрганди. Кейин фарзандларини ёнига олиб ерга бўлган истеъдодини мустақил синай бошлади. Бора-бора бутун оила аъзолари деҳқончиликка меҳр қўйишди.

Ҳар йили хўжаликка 800—900 килограммдан сифатли уруғ тайёрлаб бериб, уруғ ва ифтихор билан тилга олгим келаверади. Балки, чиндан ҳам йиллар давомида замин билан сирлашиб, унинг кўнглини топиб ишлаётган ана шундай фидойиларнинг меҳнати бу бир оғизгина каломга ўзгача маъно ва қўрк бахш этгандир...

Иброҳим ўрта мактабни битириб иш жойини дала деб билди. Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» жамоа хўжалигида узоқ йиллар кетмон чопди, сув таради. Уста миришкорлардан экинларни ўз вақтида парваришлашни ўрганди. Кейин фарзандларини ёнига олиб ерга бўлган истеъдодини мустақил синай бошлади. Бора-бора бутун оила аъзолари деҳқончиликка меҳр қўйишди.

Ҳар йили хўжаликка 800—900 килограммдан сифатли уруғ тайёрлаб бериб, илғорликда уларнинг олдига тушадигани бўлмай қолди. Ўтган йили мазкур хўжаликдан Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалиги ажралиб чиқди. Бу хўжалик мутахассислари Иброҳим Нурмуҳамедовдан Дилмурод Бекмуҳамедов бошлиқ бригаданинг далаларини сув билан таъминловчи насосни бошқариб туришни илтимос қилишди. Уста деҳқон насосни қабул қилиб олар экан, унинг атрофида қақраб ётган ўйдим чуқур ерларга назар солди. У ўша йилиёқ бу жойларга сув чиқариб 100 тупдан ортиқ мевали ниҳоллар, ток кўчатлари ўтказди. Шинамгина боғ ҳосилга кирди.

— Дилмурод, ука, — деди бир куни Иброҳим бригадирга, — майли, насосни ишлатиб туриш менинг зиммамда бўлаверади. Лекин фарзандларим билан кенг далада хуморимни ёзмасам туролмайман. «Ислом» ширкатидагилар пиёз уруғи етиштириб беришни илтимос қилишяпти. Оржоникидзе райони ҳудудидан ер ажратишди. Укаларингга бош-қош бўлиш ниятидаман, — деди.

Бригадир «насос тўхтамаса бўлди, мен розиман» дея эътироз билдирмади. Оила яна ишга киришди. Бу йил азаматлар 2,5 тонна «қоратол» навли сара уруғ етиштирдилар. Бу уруғнинг бир қисми Иброҳим илгари ишлаган «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» жамоа хўжалигига шартнома асосида ширкат орқали сотилди. Қолгани ширкатнинг ихтиёрида бўлади. Оила эса биргалашиб қилган меҳнатидан хурсанд.

С. ҲАСАНОВ.

СУРАТДА: Иброҳим Нурмуҳамедов пешма-пеш жўнатаётган ҳосилидан мамнун.

Суратқаш: В. ТУРАЕВ.

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» РЎЗНОМАСИ ЭНДИЛИКДА АНА ШУНДАЙ НОМ БИЛАН ЧОП ЭТИЛМОҚДА

Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида эълон қилинган Ўзбекистон республикаси мустақиллиги куни — 1 сентябрда мазкур рўзнома илк бор янги ном остида ўз муштарийлари қўлига бориб тегди.

Рўзноманинг бу янги номи унинг кўп сонли муштарийлари ҳоҳиш-иродаси ҳамда таҳририят жамоасининг фикрини мужассамлаш билан бир қаторда суверенитет ҳақидаги Декларация эълон қилингандан кейинги Ўзбекистоннинг янги мақомини ҳам ўзида ифода этади.

Бизнинг бир бинодаги доимий ёндош, ҳамфикр қўшниларимиз бўлмиш — «Ўзбекистон овози» журналистлари «Совет Ўзбекистони» анъаналарини бундан буён ҳам давом эттириб, мустаҳкамлаб, бойитиб, миллати, ирқи, эътиқодидан қатъий назар барча ўзбекистонликлар фикрининг ифодачисига, халқнинг ҳақиқий овозига айлантириш умидидалар.

Янги ном остида чоп этилаётган ушбу рўзноманинг энг ўқимишли, энг оммабоп бўлишига тилакдошимиз ва мазкур рўзнома таҳририятидаги устоз ҳамкасбларга бу соҳада муваффақиятлар тилаб қоламиз.

ТОЛИБАЛАРДАН МИННАТДОРМИЗ

КАЛИНИН ноҳиясидаги «Москва» хўжалиги ишчи-хизматчилари етиштирилган сабзавот маҳсулотларини йиғиштириб олишни жадаллаштирмоқдалар. Улар, айниқса, ёзги таътилда яқиндан кўмак берган жумҳурият тиббиёт техникуми ва Тошкентдаги 2-тиббиёт билим юрти толиб ва талабаларидан миннатдорлар. Ғайратли ёшлар 100 тоннадан ошиқ пиёз, помидор, картошка маҳсулотларини йиғиб бердилар. Эндиликда зўр иштиёқ билан ўқишни бошлаб юборган М. Ашурбоева, Л. Раҳимова, М. Умарова, Д. Аҳмедова, Г. Олтинбекова, К. Отатиллаева, Н. Рисқуловалардан жамоа аҳли миннатдордир.

И. ҚОСИМОВ.

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ XXV ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

МУНОСИБЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг фавқулодда XXIII съездига тайёргарлик кўриш юзасидан ташкилотчилик ва сиёсий ишни авж олдириб юбориш тўғрисидаги Марказий Комитет ва Марказий Назорат Комиссиясининг қўшма Пленуми қарори, бугунги кунда жойлардаги партия ташкилотлари фаолиятининг асосини ташкил этмоқда. Фавқулодда съездга тайёргарлик босқичи ҳисобланган навбатдан ташқари вилоят конференциясига жойлардаги партия ташкилотларидан номзодлар кўрсатиш, қўшма пленум иш якунларини атрофлича ўрганиш давом этаяпти.

Оржоникидзе районида бўлиб ўтаётган жойлардаги кенгайтирилган партия ташкилотлари, йиғилишларида, янги сифатга эга бўлиб қолган мустақил Ўзбекистон Компартияси кенг оммага таянган, бундан буён ҳам инсон ҳуқуқларига риоя этишга, ижтимоий адолат йўлини изчиллик блиан оғишмай ўтказаверишга, жумҳуриятимиз халқларининг маънавий ва иқтисодий ҳимоясини таъминлашга ҳамда ўзаро ишонч, инсонийлик қоидаларини ривожлантиришга қодирдир, деган фикр яқдиллик билан илгари сурилмоқда.

Қўшма пленумдан кейин район партия ташкилотида 9 кишидан иборат ишчи комиссияси тузилди. Мазкур комиссия навбатдан ташқари вилоят партия конференциясига ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездига делегатликка кўрсатилган номзодлар рўйхатини батафсил ўрганиб чиқди. Жойлардаги партия ташкилотлари 24 шохобчага бўлинди. Бу шохобчаларнинг ҳар биридан конференцияга вакил бўлиб борадиган битта коммунист номзоди кўрсатилади. Фавқулодда съездга 6 номзод кўрсатилади ёки тасдиқланади.

Ҳозир райком бюросида бирор кишини учратиш, суҳбатлашиш жуда мушкул, чунки жойлардаги партия ташкилоти йиғилишларида райком вакиллари қатнашиши зарур. Вақт эса жуда тиғиз. 5 сентябрь куни район партия комитетининг пленуми бўлади, ўшангача барча якунлар умумлаштирилиши, ўрганилиши зарур.

— Ўзбекистон коммунистик партияси халқ орасида мавқеини йўқотмаган деб ҳисоблайман, шундай экан уни сақлаб қолиш ҳақида эмас, балки янада кучайтириш ҳақида ўйлаш керак,— дейди район партия ташкилоти Назорат комиссиясининг раиси А. И. Ефименко,— ахир Ўзбекистон Компартияси, қўшма пленумда таъкидланганидек, ўз Дастури ва Уставига эга бўлган мустақил сиёсий ташкилот-ку. Ҳозирги пайтда саросимага тушмаслик, турли хил иғвогарликларга муносиб зарба бериш жуда ҳам зарур. Шу маънода бўлажак фавқулодда съезддан умидим катта. У партиямизнинг йўлини, асосий мақсадларимизни, қадриятларимизни тўлиқ кўрсатиб беради, деб ўйлайман.

Райондаги 1-ўрта мактабда партия ташкилотларининг дастлабки сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Мактаб директори, партия фахрийси Иван Михолский номзоди навбатдан ташқари вилоят партия конференциясига якдиллик билан кўрсатилди. Фавқулодда съездга делегатликка вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. Д. Сайдалиев номзоди тавсия этилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби И. А. Каримов номзоди қўллаб-қувватланди.

Район партия ташкилотида бўлиб ўтган йиғилишда эса, район партия комитетининг биринчи котиби Носиров навбатдан ташқари вилоят конференциясига делегатликка номзод қилиб кўрсатилди. Съездга кўрсатилган номзодлар қўллаб-қувватланди.

Партия ташкилотлари йиғилишлари қизғин давом этаяпти.

• «Табиат ва инсон» почтасидан

БИЗДА ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛСАЙДИ

Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмаси йилига 2 миллион тоннага яқин цемент тайёрлаяпти. Албатта цемент қурилиш нони, у халқ хўжалигига шубҳасиз керак. Лекин бирлашманинг дудбуронларидан йилига минглаб тонна чиқаётган зararли моддалар Оҳангарон шаҳри ва ноҳияси ҳудудига ёйилмоқда. Дов-дарахтлар, ўсимлик олами қурияпти, энг муҳими одамлар соғлиғига путур етаяпти. Яқинда «дард устига чипқон бўлди» — бирлашманинг янада кенгайиши, келгусида 4 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига етиши оҳангаронликларни чўқур ташвишга солди. Жамоатчи мухбиримиз Озод ХУШНАЗАРЗОДАга Оҳангарон шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси Мурод ШАМЕТОВ қуйидагиларни гапириб берди.

— Бугунга келиб Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмасининг кенгайиши ҳақидаги гаплар ҳақиқатга айланди. Бироқ бу кенгайиш экологик жиҳатдан зararлими ёки зararсизми, деган масала олдимизда қўндаланг бўлиб турибди. Маълумки, ҳар қандай корхона экологик жиҳатдан зararлидир, айниқса цемент заводи бу борада олдинги ўринни эгаллайди. Хўш, шаҳар худудида йилига 1150 минг тонна цемент ишлаб чиқара оладиган иккита янги линиянинг келажакдаги кўриниши қандай? Ҳозир бирлашмадан чиқаётган чанг-ғуборнинг ўзи баъзида қуёшни бутунлай тўсиб қўяди, янгиси қўшилгач қандай бўлади?

1988—1989 йилларда шаҳарда йилига 2700 минг тонна қурилиш нони ишлаб чиқарадиган цементни паст ҳароратда куйдириш корхонаси қурилиши мўлжалланган эди. Лекин табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва аҳолининг қаттиқ талаби билан шаҳримиз экологик ҳолатининг носоғломлиги ҳисобга олиниб, Иттифоқ Вазирлар Кенгашининг 1989 йил 7 июндаги қарори билан қурилиш тўхтатилди. Эндиликда иккита цемент ишлаб чиқарадиган технологик линия қурилишини шаҳар ва Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмасининг келажаги қилиб кўрсатмоқдалар. Яна бир гап, етти-саккиз йил ичида шаҳар худудига яқин жойдан оқак қазиб олиш тугайди. Бирлашма янги оҳак конларига муҳтож. Бундай кон Ангрен шаҳрига қарашли карьер хўжаликларида бўлиб, улар юз йилга етиши аниқланган.

Жумҳурият Вазирлар Кенгашининг 1989 йил 27 февралда қабул қилган 114-сонли қарорида Оҳангарон шаҳрида йилига 2300 минг тонна цемент ишлаб чиқарадиган иккита янги технологик линия, 230 минг кубометр минерал момиқ ишлаб чиқарадиган цех, 350 минг тонна кам клинкерли цемент, 44 миллион шартли плита шифер, 1090 шартли километр асбоцемент қувурлари ишлаб чиқарадиган комплекс қурилиши ҳақидаги режа ўз аксини топган.

Бугунга келиб Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмаси ўттиз йил ишлади. Одатда бундай корхоналар технологик линияларининг ишлаш муддати 30—40 йилни ташкил этади.

Ҳозирги қўйилаётган масала юқоридаги қарордан кўриниб турибдики, нафақат маънавий эскирган технологияларни янгисига алмаштириш, кўпроқ янги қувватлар барпо этишга мўлжалланган. Таклиф этилаётган цемент ишлаб чиқариш қувватлари замонавий талаб даражасига жавоб беради, деб айтиб бўлмайди. Биз яқинда Молдово жумҳуриятининг Резина шаҳар заводида бўлиб, цемент ишлаб чиқариш технологияси билан таништик. Биринчи кўришдан у бизда яхши таассурот қолдирди. Заводдаги 185 метрли дудбуронлардан чиқаётган ғубор-газлар атмосфера ҳавосига кўтарилиб, баландликда ёйилиб кетаётганини кўриш қийин. Биздаги 98 метрли дудбуронлардан чиқаётган тутун эса ундай эмас. Бундан ташқари бизнинг ҳўл усулда цемент ишлаб чиқаришда газ-ғуборлар билан бирга сув буғлари ҳавога кўтарилади ва ёмғир каби ёғади. У заводда бу йўқ. Бундан ташқари Резина цемент заводида атрофят ва вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг давлат-экспертиза хулосалари бу қурилиш ҳақида салбийдир, яъни таклиф этилаётган цемент ишлаб чиқариш технологияси талабга жавоб бермайди. Шунинг учун янги технологияларни ўрганиш мақсадида қўмита мутахассислари ва қурилиш вазирлигининг вакиллари жумҳурият цемент заводларида иш олиб боришмоқда. Яқин орада шу мақсадда мен ва бир қатор мутахассислар Кривой-Рог шаҳрига борамиз. Биз шундай техник-технологияларни танлаб, уларни эскиларига алмаштиришимиз керакки, янги линиялар қуришни эмас, маънавий эскирган технологияларни янгисига алмаштиришни ташкил этишимиз лозим.

Мен бу гапларни нега айтяпман. Шаҳар Кенгашининг депутати сифатида бу масалани шаҳар Кенгашининг сессияларида ҳам кўтариб чиққанман. Бироқ эътиборсиз қолиб кетаяпти. Нега Молдавиядаги Резина шаҳар цемент заводида тўла зararсиз завод қуриша олибди-ку, бизда эса мумкин эмас деяпман. Чунки Молдавияда атроф-муҳитга эътибор бошқача. Бизда эса айримлар ҳамон атроф-муҳит мусаффолигининг аҳамиятини чўқур идрок этишмаяпти. Табиатга бепарво муносабатда бўлиш одати тўла барҳам топмас экан, йирик-йирик заводлар қуриш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

ДИҚҚАТ, ҚИЗИҚАРЛИ ТАЖРИБА

«КЛИМЕНТ» ҲУЗУРИГА МАСЛАҲАТ СЎРАБ

Тошкентда ёшларнинг одат дан ташқари «Климент» деб аталган инновация-маслаҳат бирлашмаси очилди. У Ўзбекистон ёш олимлари ва мутахассислари бирлашмаси ҳузурида ишлайди ҳамда бошловчи бизнесменларга бозор муносабатлари алифбосини дадилроқ ўзлаштиришда ёрдам беради.

— Лекин бу юзаки қарагандагина кўзга ташланадиган нарсадир, — дейди Ўзбекистон ёш олимлари ва мутахассислари уюшмасининг президенти Зоҳид Исроилов. — Бизнинг «стратегик» вазифаларимиз анча катта. — Жумҳуриятимиз учун асосий муаммолар — ресурсларни тежаш ва компьютерлаш, кон қазиш, озиқ-овқат ва енгил саноат соҳасида илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш муаммоларини ҳал этаётган ёш олимларнинг доимий ёрдамчиси ва шериги бўлишимиз керак.

«Климент»нинг дастлабки тажрибаси ўзига хос ва муваффақиятли уриниш бўлди: у барча хоҳловчиларни ҳал этиб бўлмас муаммоларни «ақл-заковат ила эгаллаш» усуллари билан таништиришга ҳаракат қилди. Бу усул жаҳон амалиётида анча кенг тарқалган. «Климент» ижодий гуруҳлар учун «ижодий тафаккурни жадаллаштириш дарси» деб аталган қўлланмани ишлаб чиқди. «Климент»да атиги уч кун давомида олиб бориладиган фаол назарий ва амалий машғулотлар чоғида тингловчилар маҳсулдор ижодий фаолият технологияси билан танишадилар, янги ечимларни излаш борасидаги замонавий усуллардан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қиладилар. Бу эса алоҳида қобилиятга — ўзига хос фикрлаш қобилиятига эга бўлган ходимларни тезроқ тайёрлаш имконини беради.

Н. ПОЛЯНСКАЯ,
ЎзТАГ мухбири.

БУРЧ ВА САДОҚАТ

МАЙОР, ОРДЕН МУБОРАК!

Афғонистон. 11 нафар совет мутахассисининг душманлар томонидан асирга олинганлиги тўғрисидаги машъум хабар билан Н-милиция оператив қисми қисқа вақт ичида воқиф бўлди. Асирларни соғ-саломат қайтариш учун зудлик билан чора кўриш лозим эди. Қисм штабига йиғилган ҳарбий бошлиқлар уларни озод этиш режасини ишлаб чиқдилар. Бу ҳавфли операцияда Шуҳрат Норқўзиев ҳам иштирок этди.

Ўшанда Шуҳратнинг ҳаёти бир неча бор хавф остида қолди. Кунларга чўзилиб кетган бу операция давомида икки ўртада қаттиқ отишмалар бўлиб ўтди. Лекин асирларни озод этишга эришилди. Шуҳрат шу операцияда фаол иштирок этганлиги учун «Жанговар хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

Яқинда унинг кўксини жанговар «Қизил Юлдуз» ордени безади. Афғонистон тупроғида мардлик намуналарини кўрсатганлиги, етмиш марта жангга кириб, ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, совет солдати номини оқлагани учун шундай мукофот соҳиби бўлди.

Майор Шуҳрат Норқўзиев Чиноз район ички ишлар бўлимида жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи бўлиб ишлайди. Биз уни мукофот билан табриклаб, келгуси ишларида зафарлар тилаб қоламиз.

Р. КАМОЛОВ.

МАХСУС «ҚИЗИЛ КАРВОН»ЛАР

ОНА ер заминида етилаётган ширин-шакар мева-ю, ширасн тилни ёрадиган қовун-тарвуз, хуштаъм ва серхислат сабзавот маҳсулотларининг дастурхонимизга файз киритишига нима етсин. Шундай бўлгач, уни етказиб бераётган саҳоватпеша деҳқонларимизга «Қўлингиз дард кўрмасин, азаматлар!» деймизда.

Бўстонлиқ райони деҳқонлари шаҳарликлардан ана шундай илиқ сўзларни эшитмоқдалар. Гап шундаки, район деҳқонлари шу кунгача Чирчиқ шаҳри аҳолиси учун 1060 тонна сабзавот маҳсулотлари, 155 тонна мева, 722 тонна картошка ва кўплаб қовун-тарвуз етказиб бердилар. Бундан ташқари сархил мева-сабзавотлар пешма-пеш Тошкент шаҳри аҳолиси дастурхонига ҳам жўнатилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, вақти-вақти билан махсус саралланган мева-сабзавотлар ортган «Қизил карвон»лар Чирчиқ шаҳридаги ҳар бир микрорайон савдо расталарига келтирилмоқда.

— Бундан шаҳарликлар жуда мамнун бўлишмоқда, — дейди район агросаноат уюшмаси бош агрономи Ойбек Ғозиев. — Ўз навбатида чирчиқликлар ҳам деҳқонларга ҳосилни йиғиб-териб олишда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Ҳосилни йиғиштириб олишда иш суръатини сусайтирмаётган деҳқонлар шаҳарликларга яна 1420 тонна сабзавот, 195 тонна мева етказиб бериш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бу ишда, айниқса, Карл Маркс номли жамоа хўжалигининг Шегирбой Жайловбоев, «Дўстлик» шўро хўжалигининг Шоюсуф Самадов бошлиқ бригадалари боғбон ва сабзавоткорлари пешқадамлик қилишмоқда.

Х. ШАФОАТОВ.

УСКУНАЛАР ЯНГИЛАНДИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Чиғириқ пахта қабул пункти мавсумга шай қилиб қўйилди. Бу йил жамоа хўжаликларидан 7 минг тонна пахта қабул қилинади. Бунинг учун 4 та тола ажратиш агрегати, 2 та вентилятор, пахта тушириш, бунтга чиқариб бериш агрегатлари янгиланди. Ўт ўчириш системалари, лаборатория асбоб-ускуналари таъмирланди. Пункт атрофига дарахтлар экилиб, мевазорга айлантирилди. Ишчи-хизматчиларга ишлаш, дам олиш учун ҳамма шароитлар яратилди.

С. СУЛТОНОВ.

Асқар Тўйчиев мана 32 йилдан бери Алимкент нон комбинатида ишлаб келмоқда. Шу давр мобайнида у юздан ортиқ шогирдларда нонвойлик касбига меҳр уйғота олди.

Суратда: Абдумажид Абдуҳалилов ёпган нонлар сифатини устози Асқар акага кўрсатмоқда.

Суратқаш П. ЭРГАШЕВ.

НАКАЗЛАР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

ХАЛҚ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари фаолиятини белгилашда сайловчилар томонидан берилган наказларнинг қай таҳлит бажарилиши азалдан асосий ўлчов мезони қилиб олинган. Бу балки, табиий жараёндир. Агар депутат наказларни ҳам бажармаса унда нима иш қилади? Оҳангарон ноҳиясидаги Дўстлик қишлоқ Кенгаши фаолияти билан танишар эканмиз, масалага шу тахлит ёндашишга ҳаракат қилдик.

Кенгаш худудида иккита йирик совхоз-саноат комплекси, учта ижарачилар жамоаси, тўққизта катта-кичик корхона ва ташкилотлар жойлашган бўлиб, 9 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Муаммолар ҳам шунга яраша, албатта. Депутатлардан Абдумалик Қўшмуҳамедов, Александр Коротинларнинг саъи-ҳаракатлари билан Қорақир қишлоғига ўтувчи Билеутсойга 10 минг сўм сарфланиб кўприк қурилди, икки километр йўлга шағал ётқизилди. 2-ўрта мактаб атрофи панжара билан ўралди, 300 метр қувурлар орқали сув келтирилди. Депутат Нишонбой Содиқов ҳам жим турганн йўқ. Янгиҳаёт қўрғонида «тез ёрдам» пункти очиш учун у анча-мунча елиб-югурди. «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхози маъмурияти пункт очиш учун 17 минг сўм ажратиб бергач, ишлар юришиб кетди. Ҳозирги кунда аҳоли тез тиббий ёрдам хизматидан мамнун бўлмоқда. Раҳматилла Юнусов, Луиза Файрузова сингари депутатларнинг фаоллиги билан совхоз марказида ободончилик ишлари олиб борилмоқда, ҳашарлар ўтказиб турилибди, маҳалла қўмиталари фаолияти жонланиб қолди. Шунингдек, хўжалик болалар боғчасини кенгайтириш учун ҳам ишлар бошлаб юборилди.

Кўриниб турибдики, агар хўжалик иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлса, ижтимоий-маиший масалалар ҳам аста-секин ўз ечимини топаверади. «Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплексида ҳам шу каби муаммолар ижобий ҳал этилмоқда, савдо маркази ишга туширилди, боғчалар фаолияти яхшиланди, кўчалар асфальт қилиниб, кўпгина маданий-маиший объектлар қурилмоқда. Фаол депутат Аҳмаджон Комилжонов кўпгина ишларга бошқош.

Бирлик ижара жамоасининг Янгибўстон маҳалласи аҳли ҳам агар депутатлар фаол бўлса анча-мунча ишлар қила олишини ҳис этдилар. Қишлоқнинг 90 хонадони газлаштирилди. Бунда Ўзбекистон Жумҳурияти халқ депутати Турмуҳаммад Ботиров, қишлоқ Кенгаши депутатлари Саидкарим Қурбонов, Малика Умрияевалар ғайрат кўрсатдилар.

Қишлоқ Кенгаши депутатларининг ноҳия, вилоят Кенгашлари, жумҳурият халқ депутатлари билан ҳамкорликда амалга оширган яна бир талай ишлари бор. Лекин ҳали муаммолар ҳам кўп. Айниқса, «Дўстлик», «Шодималик» ижара жамоалари худудларида иқтисодий-ижтимоий етишмовчиликлар сероб. Чунончи «Дўстлик» ижара жамоаси қишлоқларида ички йўлларни асфальт қилиш, ободонлаштириш ишлари пайсалга солинмоқда. Қишлоқни газлаштириш лойиҳаси ҳам кечикиб кетаяпти. «Шодималик»даги 47-мактаб янги биноси лойиҳалаштирилган бўлса-да, қурувчи ташкилот топилмаяпти. Тиббий, маданий-маиший хизмат кўрсатишда талай камчиликлар бор. Ичимлик сув муаммоси маҳаллаларда етарли ҳал этилган эмас.

— Кўпгина муаммоларнинг ечими маблағ билан боғлиқ,— дейди қишлоқ Кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Абдужаббор Абдураҳмонов.— Ижара жамоаларида ҳали етарли маблағ йўқ. Аммо фаоллик ҳам керак. Излаган имконият топади, деб бежиз айтишмаган-ку. Партисой, Тошсой қишлоқлари, Навоий номли совхозга қарашли. Лекин хўжалик маъмурияти бир неча бор мурожаат қилишимизга қарамай қишлоқдаги муаммоларни ҳал қилишга бефарқ қарамоқда. Депутат қанчалик фаол бўлгани билан агар хўжалик раҳбарлари уларга ҳамфикр бўлмаса бирон иш қилиш жуда қийин кечади.

Депутатлар орасида лоқайдлари ҳам борлиги ачинарлидир. Абдусалом Солиев, Владимир Шпаковский каби «халқ хизматкорлари» кўпинча сессияларда ҳам иштирок этмайдилар, наказларни бажариш, сайловчилар ишончини оқлаш масъулияти эларига ҳам келмайди. Шундайларнинг ноҳия Кенгаши депутатлари орасида ҳам борлиги, айниқса, ачинарли. Ноҳия партия қўмитаси собиқ биринчи котиби Султонмурод Тўлаев 10-сайлов мавзесидан, Будённий номли совхоз собиқ директори Борис Ким 6-сайлов мавзесидан ноҳия кенгаши депутатлигига сайланган эдилар. Афсуслар бўлсинки, сайловчилар ўз депутатларини қайтиб кўришганлари йўқ. Уларнинг сайлов арафасида берган ваъдалари сароб бўлиб чиқди. Бундан буён ҳам уларнинг сайловчиларга бирон нафи тегишига ишонч йўқ. Буёғи энди сайловчиларнинг ўзларига, қолаверса, халқ депутатлари ноҳия Кенгашига ҳавола.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

ҚИШЛОҚ КЕНГАШЛАРИ ВА ҲАЁТ

РАҲМ-ШАФҚАТ ИНСОНИЙЛИК ШАРТЛАРИДАН БИРИДИР

Жумҳуриятимиз мустақиллиги тўғрисидаги хушхабарни барча соф ниятли кишилар қатори, тақводорлар ҳам хушнудлик билан қарши олишди.

— Хўп яхши ишлар бўлди, — дедилар мамнунлик билан вилоятимиз бош имом-хатиби Абдуғани Абдулло ҳазратлари, биз билан суҳбатда. — Биз барча мўмин-мусулмонларни хайрли ишда ҳукумэтимизга кўмакдошликка чақирамиз. Шу билан биргаликда тинч-тотув яшаш, оқибатли бўлиш ҳам ислом шартларидан эканлигини унутмайлик. Ҳар қандай жамиятнинг равнақи одамлар ўртасидаги оқибатга, саҳоватга ҳам боғлиқдир. Шундай экан, дини ислом шартларини муборак билганларни янги мустақил диёримиз равнақи учун хизмат қилишга чорлаш билан бирга меҳр-шафқатли, хайру-саҳоватли бўлишларини ҳам тилаб қоламиз.

Сўнгра имом-хатиб ҳазратлари инсонийликнинг ана шу буюк фазилати ҳақида ёзилган мақолаларини рўзномамиз орқали муштарийларга етказишимизни сўрадилар. Ўйлаймизки, бу мақола кўпчиликни бефарқ қолдирмаса керак.

Меҳр-шафқат ва мурувват мавзеи мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръони Каримда кенг ўрин олган. Чунки қайси элда меҳр-шафқат кенг тарқалган бўлса, ўша жойдаги одамлар қалбида ва кундалик ҳаётида мувозанат, хотиржамлик ва бир-бирига нисбатан иззат-эҳтиром кучайиб боради. Элимизнинг ўтмишига бир назар ташласак унинг яққол мисолини кўрамиз. Тўй-томошалар ва мусибат муносабати билан қилинадиган хайр-эҳсонлар асосан ногиронлар, етимлар, тул хотинлар ва ожизлар учун уюштирилар эди.

Қуръони Карим оятлари ҳам бу хил хайр-эҳсонларни Оллоҳ таолога мақбул бўлишидан хабар беради: «Агар сендан етимлар тўғрисида сўрасалар, уларнинг ҳолини тузатиш хайрлидир дегил» (2/220), «Молдунёга меҳр қўйиб турган бўлсанг ҳам (камбағал) қариндошлар, етимлар ва мискинларга ўз бойлигингни (бир қисмини) бергайсан» (2/177). 16 томлик тафсир муаллифи хоразмлик улуғ Муфассир, оламга машҳур аллома Фахриддин ал-Розий бу оятларнинг тафсирларини баён қилиб шундай дейди: етимларни фақат таом ва балки кийим-кечак билан таъминлаш эмас, ўсиб бораётган гўдаклар ва ўсмирларни тарбиялаш, уларга илм ва ҳунар ўргатиш ҳам жамият бўйнидаги вазифадир. Етим ва ожизларга ҳайр-эҳсон қилиш айниқса ёш кишилар томонидан қилинганда унинг савоби кўпроқ бўлур ва бундай ёшлар халқ кўзи олдида ўзлари учун ҳам улуғ мартаба ва иззат-эҳтиромларга эришурлар. Қариялар агар ўз ўлимлари олдидан етим-есирларга хайр-эҳсон қилсалар яхшидир. Лекин ёшликда қилинган эҳсондек бўлмас, деган фикрни Фахриддин ал-Розий олға суради.

Ҳар ҳолда халқимиз Қуръони Каримнинг бу оятларига амал қилиб келди. Шунинг учун шариат аҳкомларига оид китобларда етимларнинг бошини силаш ва уларнинг кўнглини кўтариб, келажакда жамиятга муҳаббат назари билан қарашларига асос солиб келган. Жумладан, агар бирон қишлоқ ёки жамоада етимлар уйланолмай ва рўзғор қуролмай қийналиб қолсалар уларни уйланиши ҳаражатларини бутун жамоа йиғиб, уларни уйлантириб,— уйли-жойли қилиши керак. Шундай қилган жамоа Оллоҳ таолонинг ғазабидан узоқ бўлади ва жамоа аъзоларининг ишларига барака киради. Мазкур етимлар ҳам ҳеч қачон кишилар мулкига ва обрўсига хиёнат қилмайди. Чунки эзгулик эзгуликни келтириб чиқаради.

Ҳазрат Расулуллоҳ (саллолоҳу алайҳи васаллам) ўзларининг муборак ҳадисларида ожизлар, етимлар, ногиронларга хайр-эҳсон ва раҳм-шафқат қилишни мусулмонларнинг асосий вазифаларидан қилиб кўрсатганлар. Расуллулоҳ (саллолоҳу алайҳи васаллам) дедилар: Ўзаро раҳмдиллик, ўзаро дўстлик ва ўзаро меҳрибонликда мўминлар бамисоли бир кишидекдирлар. Агар шу кишининг бир аъзоси дардга чалинса ёки оғриса қолган барча аъзолар ҳам оғрийди (имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари. Мишкоти Шарифнинг 1-жилдидаги «шафқат ва халққа раҳмдиллик қилиш» боби. 254-бет).

Яна Расулуллоҳ (саллолоҳу алайҳи васаллам) дедилар: «Кекса тул хотин ва мискин (бечораҳол киши)нинг хизматини қилиб, ҳожатини чиқарган киши оллоҳ йўлида жиҳод (ғазот) қилувчи ва доимий равишда рўза тутувчи билан савобда баробар бўлур» (ўша манба).

Расулуллоҳ (с. а. в.) яна дедилар: «Раҳмдилларга оллоҳ раҳм қилур, ер юзидаги (инсонлар ва махлуқлар)га раҳм қилинг, шунда сизга осмондагилар (Оллоҳ ва фаришталар) раҳм қилур». (имом ат-Термизий ривояти), (ўша манба, 256-бет).

Бизнинг диёримиз қадимда ўғлаб, юзлаб, алломаларни жаҳонга машҳур қилган бўлса, шу билан минглаб, миллионлаб машҳур саҳоватли кишиларни ҳам етказиб берган. Улардан бири машҳур олим ва имом Аъзамнинг шогирдларидан бири марвлик имом Абдулла ибн ал Муборак ал Марвазий бўлган. Бу зот ҳам имом Аъзам каби кўплаб шогирд чиқарган. Лекин бу шогирдлари билан бирга доимо сафарда бўлиб, бир йили жиҳод қилса иккинчи йили Ҳажга борарди. Бир йили шогирдлари билан Ҳажга кетаётганда шундай ҳодиса рўй беради. Абдулла ибн Ал Муборак таҳорат олиш учун бир чорбоққа кирадилар. Ариқда оқаётган сувда ўлган товуқни сув оқизиб ўтади. Нарида бир кулбадан аёл югуриб чиқиб ҳалиги товуқни олиб, уйига кириб кетади. Бундай нарсаларга ҳушёрлик билан қарайдиган Абдулла ибн Муборак дарҳол ўша кулба тарафга бориб эшикдан қараса беш-олтита ёш болалар қорнимиз очқади, деб йиғлаётганини ва онаси мана овқат олиб келдим деб ўлган товуқнинг патини юлиб турганини кўрди.

Эй, парвардигоро, деди, Абдулла ибн ал Муборак, бу аҳволни менга кўрсатиб, менинг бандалик эътиқодимни синаб кўрмоқчисан-ку. деб чўнтагидаги бир неча юз тилло тангани чиқаради, ҳамда ҳалиги аёлга буни болаларингга ҳаражат қил, деб тақдим қилади. Нима учун болаларинг билан бу ночор аҳволга тушиб қолдинг деб сўраганда, аёл бундан бир неча ой муқаддам болаларнинг отасини ёвуз кишилар ўлдириб кетдилар, шундан буён болаларимни боқадиган киши йўқ, мен ўзим болаларимга қўлимдан келганича топиб келиб едирдим. Энди ҳолдан кета бошладим, деб жавоб беради. Кеча-кундуз Оллоҳ таолога дуо қилиб ёлвордимки, эй, парвардигоро, ўзинг ғойибдан бирор нарса етказмасанг яқин кунларда шу кулба ичида болаларим билан очликдан ўламиз, деб йиғлардим. Энди Оллоҳга шукрки, менга сизни етказди ва болачақамни ўлимдан қутқаздингиз, деб Абдулла ибн ал Муборакнинг оёқлари остига йиқилиб йиғлади. Абдулла ибн ал Муборак эса ўз шогирдлари ҳузурига бориб энди ҳажларингиз қабул қилинди, орқага, ватанимизга қайтамиз, чунки йўл ҳаражатини хайр-эҳсон қилиб юбордим, дейди. Барчалари орқага қайтдилар.

Ривоят қилишларича, ўша йили Маккаи Мукаррамага ҳажга борган тақводор кишилар Абдулла ибн ал Муборакнинг бундай хайр-эҳсонидан ғоят таъсирланганлар. Ҳаттоки Оллоҳ таолонинг азиз-авлиё бандаларидан бирининг тушларида Абдулла ибн ал-Муборакнинг ўз шогирдлари билан бирга бундай саҳоватлари сабаблн барча ҳожиларнинг ҳажлари Оллоҳ даргоҳида қабул бўлди, деб бошорат бўлган. Чунки Абдулла ибн ал Муборакдек улуғ зот ҳазрат расулуллоҳ (саллолоҳу алайҳи васаллам)нинг «Ён қўшниси оч ётганини билиб туриб, хотиржам бўлган киши ҳақиқий мусулмон эмас» деган ҳадисларига амал қилди ва бу саҳоват билан ўз виждонларини покладилар.

Бизнинг замонамизда ҳам гоҳо шундай муҳтожлар учраб туради. Кимки қўлидан келганича уларга ёрдам қилса, бобомиз ибн ал-Муборакнинг изидан борган бўлади ва Оллоҳ таолонинг раҳматига сазовор бўлади.

Абдуғани АБДУЛЛО,
Тошкент вилоят бош имом-хатиби.

• Маънавий қадриятимиз муаммолари

ХАЛҚДАН ЙИҒИБ ДУРДОНАЛАР...

ТОШКЕНТНИНГ кўҳна маҳаллаларидан бўлмиш «Қошиқчи» мен туғилиб ўсган мавлуду-маскандир. Унинг тарихи жуда ҳам қизиқарли, мозийси эса бу ерларга оби-ҳаёт таратиб келаётган ана ўша катта ариғу уни бош-қошлик қилиб қазитган машҳур Кайковусга пайванд бўлиб кетади. Бу ерларда менинг хотирасига ҳамон шамчироқ ёқиғли бобокалонларим яшаб ўтганлар, ёшу-қарига қадрли бўлган отамиз ҳам ушбу мадори-заминда бир асрлик умр кўриб, омонатини «яратган»га топширганлар. Бувим Хонпошша отин худди мана шу масканда инқилобдан анча авваллар савод чиқариш мактабини ташкил қилганлар — бу ҳақда Абдусалом, Тойир, Яҳё қори акалар хотирлаб юришарди. «Қошиқчи»да Мулла Пўлат, Иброҳим, Нуриддин домлалар ҳам истиқомат қилиб ўтишган, улар ҳам шаҳарнинг турли даҳаларида мактаб очиб, дарс берганлар. Ярим асрлик умрини ўқитувчиликка бахш этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Ленин орденли Саъдиддин Шарафиддинов ҳам шу ерда яшаб ўтди. У киши наинки «Қошиқчи», «Беш оғайни» маҳаллаларида, балки «Ҳасанбой», «Посра», «Эски жўва»лару «Қаймоқ бозори»да ҳам саводсизликни битириш курслари ташкил этиб, 20-30-йилларда нур-зиё таратган, машҳур Улуғбек номли мактабда узоқ йиллар математика ва адабиётдан дарслар берганлар. Бу мўътабар домла қўлида Шуҳрат, Қуддус Муҳаммадий, Саиджон Калонов, Собир Раҳимов, Абдулла Муродхўжаевлар ҳам ўқиганлар. Бу кишининг акалари Тожиддин домла ҳам инқилобдан аввал Маркида мактаб очганлар (у кишининг мактабида таниқли олим, академик Ёрқин Тўрақулов, Ўзбекистон ССР халқ шоири Уйғун, атоқли драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби У. Исмоиловлар ўқиган), ҳатто Хитойга, Қашқарга Тошкентдан ўзбек шоирларининг китобларини, Хислатнинг баёзларини олиб бориб, тарғиб этганлар...

Мен ҳали ҳам «Қошиқчи»да тез-тез бўлиб тураман, киндик қоним тўкилган заминдан ажралиб қолиш азми-гуноҳ деб биламан, тўйларда ҳам, азаларда ҳам ана шу ердаги халойиқ билан ҳамиша биргаман. Бу ердаги ажойиб отахону онахонларнинг файзосор суҳбатларию дилларни ром этадиган ҳикояларини тинглаб, тўймайсан киши. Уста Ғуломиддин, Асомиддин — қизил олов, 20-йилларда саводсизлигу чаласаводликни битиришда хизматлар қилган меҳнат фахрийси Атохўжа отаю Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси Абдураҳмон акаларнинг жонли суҳбату ҳикоялари дилга сафо бағишлайди...

«Қошиқчи»даги қадрият оқшомлари, ўтганлар арвоҳ-хотирасига бағишланган суҳбатлар, «Минор» қабристонидаги марҳум маҳалладошлар қабрини эпақага келтириб қўйиш тадбирларининг, айниқса, ёш авлод тарбиясига жуда жиддий нафъи бор. Шу кунларда «Қошиқчи»нинг марказида ҳашар йўли билан нафосат маскани бунёд этилмоқда, маҳалладаги аянчли аҳволга келтириб қўйилган масжид таъмирланмоқда, авваллари санъат ишқибозлари ҳамиша гавжум бўлган эски чойхона ҳам қайтадан тикланмоқда. Ахир у ҳам аллақачонлардир ўзига хос тарихий маданият ўчоқларидан бирига айланиб қолганди, бу ерда бир вақтлар машҳур Азмиддин шахматчи бир варакайига бир неча кишини шошириб қўядиган беллашувларни намойиш қилиб турарди (у ҳам шу ерда истиқомат қилганди), моҳир Ориф сурнайчи ўзининг беназир ижроси, хусусан, «Сурнай навоси» билан дилларни симобдек эритарди, Ўзбекистон ССР халқ артисти Аюб Қодиров найда «Чўл ироқ»ни чалиб, қалбларга ҳузур бағишларди. Шу ерлик Али ҳофизнинг «Чаман безанди бу кун» дея номланган қўшиғини айтмайсизми? Мухлислар у ёғда турсин, мана ман деган ҳофизлар ҳам эшитгач, таҳсинлар ўқиб кетардилар.

Тўйчи ҳофизнинг қизлари Орохон аянинг ёр-ёрларию, Наврўзда тайёрлаган сумалагини татиб, довруғини эшитмабсиз, лаззатлардан дариғ қолибсиз. Қаҳрамон она, шахсий пенсионер Ёқутхон аянинг аллаларию, роҳатбахш ўланларини тингласангиз кўз олдингизда мозий қайтадан жонланади...

Мен матбуотда «Бугунги хирмон кечаги даладан» деган мақолани ёритганимда 20-йилларда ана шу маҳалладаги Нормат бойваччанинг сўлим боғида паранжи ташлаган аёлларнинг «Алла айтиш» танлов-кўриги ҳақида ҳикоя қилувдим ва Маданият вазирлиги, телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети, ижодий уюшмалар эътиборига мана шундай «Алла айтиш кўрик-танлови»ни жумҳурият миқёсида кечиктирмай ўтказишни ҳавола этгандим. Буни қарангки, «Қошиқчи»ликларнинг ана ўша йиллардаги ташаббуси қўл келиб, мана шу мутасадди ташкилоту уюшмаларни илҳомлантириб юборди. Яқинда жумҳуриятда мана шундай кўрик-танлов кенг қамровда ўтказилиб, ҳаммага завқ-шавқ, севинч улашди...

Менинг қатор мақолаларимни радио эшиттириш, телевизион кўрсатувларимнинг «хамиртуриши» мана шу «Қошиқчи»дан, у ерда истиқомат қилувчи халойиқ ҳаётининг ўта қизиқарли томонларидан, кўпни кўрган нуроний отахонлару онахонларнинг мазмунли ҳодисалару воқеаларга бой ҳикоятларидан олинган десам, асло муболағага йўл қўймасам керак.

Эсимда, кунлардан бир кун қалам, дафтарчани қўлга олдиму, «оҳанг халта»ни янги ҳикояту ривоятлар билан тўлдириб олгани яна ўша «Қошиқчи»га равона бўлдим. Маҳалланинг мутасаддилари Усмон, Ғани, Тоҳир, Жамил акалар билан бирга бу ердаги оқсоқолларни «хотира чўнтаги»га аста-секин тушиб бордим. Мени «Қошиқчи» деган атаманинг илдизи қизиқтириб қолганди. Қаранг, болалигимизда бунинг фаҳмига бормай, қаерда яшагансан деб сўрасалар «Қошиқчи»да дея кетаверибмизу, аслида бу атама қаердан келиб чиққанига аҳамият ҳам бермаган эканмиз. «Қошиқчи» анчагина эски ном экан. Авваллари даҳалардаги «эгарчи», «пичоқчи», «тақачи», «мисгарлик», «тунукасозлик», «чархчи» масканлари, маҳаллалари каби «Қошиқчи»даги ажойиб ҳунарманд гуруҳлар, оилалар, нишолдачи-ю қандолатчилар, чархда пилла йигирувчилар, кўрпа, кўрпача қавувчилар, пон-яхтак тикувчилар, дурадгорлар, бешик-анжом, лой-сопол ўйинчоқлар тайёрловчилар истиқомат қилган эканлар. Мана шундайлардан бири уста Алимат қошиқчи бўлган экан — у қошиқ йўнаркан, чўмич чопаркан. Уста қошиқ ва чўмич ясаш учун керакли дарахтларни жуда яхши биларкан. Айримларини излаб узоқ-узоқларгача бораркан, ҳатто унинг диққат-эътиборидан тоғлар орасида жойлашган «Заранг» қишлоғи ҳам четда қолмаган экан. Алимат қошиқчи устахонасида ишланган заранг қошиқ, чўмич, пиёла, косалару патнис, лаганларнинг сири фақат ўзига маълум экан, ҳеч кимга ошкора қилмас экан (шу боис унинг қазосидан сўнг бу сир мерос бўлиб қолмаган). Бу заранг қошиқларнинг ранги иссиқда ҳам, совуқда ҳам асло айнимас экан, довруғи Қошғар, Чўвачакларга ҳам кенг ёйилган экан. Алимат наинки қошиқ йўниш ва сирлаш, балким унга бежирим, гўзал чизгилар тушириш асрорини яхши ўзлаштирган экан. Шунингдек қошиқ чалиб қизиқ ҳангомалар, шўх-шўх қўшиқлар айтишни, йигит-қизларнинг айтишувларини уюштиришни, «қошиқ-қарс» дея аталган эркаклар билан аёллар рақсини қўйишни, зикр-самога тушишлару, кўза, жомашуй ўйинларини, заранг пиёлага қошиқ уриб, бир оёқда ўйнаш ва ким ўзар ўйин-кулгиларини ташкил этишни ҳам жуда яхши ўзлаштирган экан...

Алимат қошиқчининг Сайидали нонвой деган моҳир шогирди ҳам бўлган экан. У бошига икки кўзани устма-уст қўйиб олиб, қайроқ чертиб ўйинга тушганида, гоҳ ётиб, гоҳ чўк тушиб, гоҳ сакраб-сакраб рақс ҳаракатларини қилганида томоша этаётганлар ҳаяжондан қотиб қолар-канлар, ўйин долзарбга етиб борганида Сайидали нонвой оёқ учига кўтарилар экан ва «бедана қадам» қилиб даврани айланаркан — шунда томоша қилаётган ихлосмандлар бу ҳолатни кўриб ҳайратдан лол қоларканлар, қайроқни ҳам зўр ва нозик чертаркан, гўё булбулдек қилиб юборар-кан. Ушбу халқ ижодкори «Наврўз»да Тошкентнинг «Чорсу»сидаги сой бўйида жойлашган Шоюсуф ака чойхонасида «кўза ўйини» қилиб, «Дилхирож»га тушганида бу ер нафосат чаманига айланиб кетаркан. «Заранглаган» ўйинини оёқ учида ўйнашни ҳам ушбу моҳир санъаткор кашф этиб, мерос қилиб қолдириб кетган эди... Шунингдек «Нафосат оқшомлари»да Мавлоно Камий, Хислат, Мискин, Хуршид, Тошкандийлар ҳам Абдусоат дуторчи, Тўйчи ҳофиз, Шобарот, Шожалил, Шораҳим танбурчилар, Норхўжа аския, Рафиқ қизиқ, Маҳкам полвонлар ҳам қатнашиб турганлар. Машҳур Исроил қўғирчоқбоз ҳам жуда қизиқ ҳангомалар кўрсатган. «Чодирхаёл» томошасини намойиш қилиб, ҳаммага севинч, кулги улашган. Камий, Хислатлар бу ерга Қўқондан ана ўша Муқимий ёдга олган Фарзинча исмли раққосни ҳам, Андижондан Адолатхону Мозидахонлар каби зўр хонандаларни ҳам, Самарқанддан Ҳожи «тамтам»ни ҳам таклиф этганлар. Абдуллафонус ҳам грампластинкага ёзилган «Каллам», «Холвачи» каби кулгили саҳналарини намойиш қилган, арзинчанинг фонус-чироқ билан, Сайидали нонвойнинг кўза ўйини ўртасида мисли кўрилмаган беллашув, ниҳоятда мароқли мусобақа рўй берган — улоқни кўза рақсининг соҳиби олиб кетишга ва битта қўчқор мукофотга олишга муяссар бўлган... Кўрдингизми, қуруқ, кўпинча қизиқиш уйғотмайдиган «Кубок» эмас, халқ анъанасига монанд мукофот — Қўчқор берилган...

Хўш, эндиликда ана ўша эркак ва аёллар биргаликда тушадиган «қошиқ-қарсу заранг пиёла» ўйин-тортишувлари, «кўза рақс»ию, «жомашуй ўйинлари», бугунги куннинг фарзинчаси-ю, Сайдали нонвойларнинг эркаклар рақси бўйича кўрик-беллашувлари қани? (бугунги кунда, эркаклар рақси ночор аҳволга тушиб қолди). Қани, маҳаллалардаги ана ўша Алимат қошиқчи ташкил қилган каби халқ истеъмоли, ўймакорлик, нақшинкорлик, ранг безаш маҳсулотлари, амалий санъат намуналарини ишлаб чиқарадиган устахонаю оилавий корхоналар?!. Қани, ўша ҳақиқий нафосат масканлари— дилхузур чойхоналар? Нега «Чорсу», «Хадра», «Эски Жўва», «Беш ёғоч» майдонларида ана ўша Шоюсуф ака чойхонасида уюштирилган «Нафосат оқшомлари»дек халқнинг меҳрини қозонган, одамларга гўзаллик улашадиган, меҳр-оқибат пайванд қиладиган ажиб чойхоналар, инсонга ҳақиқий сарафрозлик бахш қилувчи халқ масканлари ва элнинг юрагини овлайдиган, қизиқишини, диққат-эътиборини ўзига михлаб оладиган янгидан-янги ва шу билан бирга мозийдан силсила тортиб келаётган энг қадрли маданий меросларни ўз ичига пайванд қилиб олган юксак маънавий ва бадиий тадбирлар?!.

Ана шу «Қошиқчи»да Сайидали нонвой авлодига мансуб отин—Оппоқойи бўлардилар. Жуда сўзамол, миллий анъана, урф-одатларимизнинг яхшигина билимдони эдилар. Шу кишининг суҳбатларида бўлганман — ҳозирги ёшларимиз кўп нарсаларни билмаслиги-ю, ўзлаштиришга интилмаётганликлари ва бу ҳолатда биз, катталарнинг ҳам лоқайдликларимиз ҳақида куюниб гапирардилар:

— Нимага энди ўзбек келинчакларимиз никоҳ уйларига албатта, оврўпача либосда боришлари лозим? Қандайдир «фата», «венчик»лар кийиб боришлари шартми?.. Нима, онанг ўргилсин, ўзимизнинг бу борада ҳам анъаналаримиз-у, чиройли миллий либосларимиз, бош кийимимиз йўқми? Нима учун ёшларимиз билар-билмай ҳамма нарсада тақлидга ўтиб кетаётирлар? Кўр-кўрона тақлид ҳеч вақт гўзалликка, нафисликка олиб бормаган-ку!.. Айтинг-чи, оврўполик келинчаклар бизнинг ўзбек либосларимизни кийиб никоҳ уйларига бораётирларми? (Мен миллатчиликни эмас, миллийликни тарғиб қилаяпман). Яқинда мен бир-икки бўйи етиб қолган қизлардан сўрадим: биласизларми, «гассол», «мурсак», «руҳсиём»лар ўзи нима? Биронтаси жавоб беролмади, мулзам бўлишди, мен ҳам ҳижолат тортдим, ҳам азият чекдим... Бир ёш келинчак ҳомиладор экан, ҳатто бу аснода қабристонга бориш мумкинми, мумкин эмасми билмайди... Ёшларимизнинг аксари нима учун чилласи чиқмаган чақалоқ ётган хонага кириш мумкин эмасликнинг фаҳму, фаросатига бормайди... Хўш, садағанг кетай, булар ҳақида мактабдаги домлаларингиз айтишмаса, уларга кимё, ҳисоб, ҳандасалар учун ажратилган вақтнинг ўзи етмас, оилада ҳам ҳеч ким тушунча бермаса, нима қилсин у шўрликлар?!.. Маҳаллада бундай тушунтириш, таълим-тарбия олиб борадиганларни «отинсан», «мулласан» дея обрўсини тўкишди. Ҳа, мана энди вақтлар келаётир, бундай тушунтириш, таълим-тарбия этиб, жойига келтириш керак. Тўғри, буларни тиклаш бузилган уйларни, бетон йўлларни таъмир этишдан осонроқ бўлмайди. Чунки узвий келаётган муқаддас, маънавий занжирларнинг кўп ҳалқасини узиб ташлаганлар. Аммо шундай бўлса-да буларни тиклаш керак, бўлмаса ёшлар маънавий қусурли, носоғлом бўлиб етишаверадилар!

1968 йилда яна ўша «Қошиқчи»лик кекса муаллим Саъдитдин Шарафиддинов ва маҳалла оқсоқолларидан бири, меҳнат фахрийси, жумҳурият миқёсидаги шахсий пенсионер Насриддин ота Шарафқориевлар ҳаттоки уруш вақтидаги қийинчиликларга қарамасдан, маҳалла хотин-қизлар Кенгашининг раисаси Фотиҳа Камолиддинова билан ҳамкорликда ёшлар ва айниқса, қизлар тарбиясига катта аҳамият бериб келганликлари ҳақида сўзлаб берган эдилар. Уларнинг ҳикоясига кўра, «Чаққон қиз» деб номланган кўрик-танлов ўтказилган. Ушбу кўрик талабларига кўра қизларнинг самовор қўйиши, овқат тайёрлаши, дазмол босиши, чақалоқ укасига қараши, алла айтиши, кўрпача қавиши, ҳовли супуриши, дўппи ёҳуд қийиқча тикиши, ғазал ўқиши, онаси-ю-бува, бувисининг хизматини бажариши, ҳатто бирон-бир соз чалишигача киритилган. Нега энди биз мана шундай фарзанд тарбияси, маънавий ва жисмоний камолотга етишиши, уйда ҳам, жамоада ҳам, бировникига келин бўлиб узатилганида ҳам ҳавою сувдек зарур бўлган тадбирларга, анъанаю ташабусларга лоқайд қараётган бўлиб. қолдик?! Ёҳуд у пайтларда вақт кўпроқмиди, хотиржамроқ эдикми?! Ахир, уруш вақти эди-ку, ҳатто нонга қорин тўйғазиш амри-маҳол эди-ку!.. Ҳозиргига ўхшаб тўйиб еб-ичиш, кийим-кечакка ҳирс, оро бериш қаёқларда эди дейсиз, у қора булутли даврларда...

Зора, «Қошиқчи»дан илҳомланиб, қанот ёзиб кетган «Алла айтиш» кўрик-танлови сингари юқорида зикр этган фикр-мулоҳазаларимизга ҳам диққат-эътибор берилса-ю, яна қатор янги кўриклар, халқ ижодиёти намойишлари, иқтидорлар танлови қанот ёзиб майдонга, саҳналарга, маданий-оқартув муассасаларига кириб келса. Мана шуларга ҳам маданият, халқ таълими вазирлиги, жумҳурият телевидение ва радио эшиттириш қўмитаси, ижодий уюшмалару ташкилотлар, ёшлар уюшмалари диққат-эътибор берсалар фойдадан ҳоли бўлмасди. Яна бир истак шуки, эътибор бераётганларида ушбу фикр-мулоҳазалар ва ташаббусни ошкора изҳор этаётган каминани ҳам худди «Алла айтиш» кўрик-танловини ўтказаётган пайтдагидек, унутиб қўймасалар. Ахир олдинги ташаббусни ҳам биз матбуот орқали ошкора баён этган эдик.

Ҳа, халқ—ижодкор, халқ — асровчи, халқ — заргар ва маданий меросни келгуси авлодларга узатувчи. Келинг, яхши ташаббусларимиз ва саховатли интилишларимиз, мозийга ва ҳозирга ҳурматимиз билан унга кўмакдош, ҳамиша маслакдош бўлайлик!

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
санъатшунос.

● Тошкент районидаги Ильич жамоа хўжалиги дала ва боғларида ғарқ пишган ноз-неъматларни йиғиб-териб олиш қизғин давом этмоқда. Уста деҳқон Исо Исмоилов бу йил оиласи билан 2 гектар майдонда сабзавот етиштирди. Юқоридаги суратда: у келини Муҳайё билан помидор теримида. Пастдаги суратда эса 60 гектар боғда узум етиштираётган боғдорчилик бригадаси етакчиси Саидкарим Сайдаҳмедов ва боғбон Носир Аҳмедовларни кўриб турибсиз.

Суратқаш Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

Мутахассислар маслаҳати

Ғўзани баргсизлантириш ва сифат

БУ ЙИЛ вилоят қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари 330 минг тоннадан ортиқ пахта хом ашёси йиғиб олиш, бу ҳосилнинг кам деганда 248 минг тоннасини эса машиналарда теришга аҳд қилганлар.

Далаларда шунга яраша ҳосил бор. Эндиги асосий вазифа уни нес-нобуд қилмасдан ўз вақтида йиғиб-териб олишдир. Бунга эришиш учун аввало ғўзани баргсизлантиришни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш муҳимдир.

Бу йил ҳам мазкур тадбирни амалга оширишда асосан хлорат магний ва қисман дропп дефолиантидан фойдаланилади ва 142,2 минг гектар майдонга ишлов берилади, баргсизлантириш фақат ОВХ маркали трактор пуркагичлари ёрдамида амалга оширилади. Бу механизмлар бутун ёз давомида ўсимликларни ҳимоя қилиш тадбирларида ишлатилганлиги сабабли уларни қайтадан созлаш зарур бўлади.

Ҳўжаликларда марказлаштирилган ҳолда дефолиантлардан эритмалар тайёрланадиган жойлар, бетон ҳандақлар, эритма ташиш учун идишларни зудлик билан тайёрлашга жиддий эътибор бериш керак. Ғўзани баргсизлантиришда қатнашадиган механизатор ва бошқа хизматчиларни махсус кийим ва ҳимоя воситалари билан таъминлашни ҳам унутмаслик талаб этилади.

Ишга киришишдан аввал далаларни бегона ўтдан тозалаш, дала четлари ва ўқ ариқларни текислаш ҳам муҳим тадбирлардан ҳисобланади.

Тошкент вилояти хўжаликларида турли муддатларда ҳар хил ғўза навлари экилган. Буни ҳисобга олиш керак ва ғўзанинг биологик етилишини назарда тутиб, баргсизлантиришни табақалаштирилган ҳолда ўтказиш муддатларини тўғри аниқлаш шарт.

Муддат пайкалларда кўсакларнинг очилишига қараб аниқланади. Дефолиантларни қўллашда меъёр—норма ғўза пайкалларидаги кўчат сони, ўсимликларнинг каттакичиклиги ва мўлжалдаги ҳосилдорликка қараб белгиланади. Айниқса, шудринг тушишини эътиборга олиш керак бўлади. Чунки шудрингнинг кўп ёки оз тушиши дефолиантнинг самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Дефолиант самарадорлиги ўртача ҳаво ҳароратига ҳам боғлиқдир. Масалан, ҳарорат 22—25 даража бўлганда дропп дефолиантининг таъсири яхши бўлади. Хлорат магний эса 17—18 даражада яхши самара беради.

ОВХ трактор пуркагичларининг ишчи органларини тўғри мослаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Пуркагичнинг эритма сочқичи ер сатҳига нисбатан 22—25 градусли бурчакда ўрнатилса, шунда ҳаво оқими дефолиантлар эритмаси заррачаларини ғўзанинг барча қисмидаги баргларга сочиб беради. Натижада биринчи ишловнинг ўзидаёқ барг тўкишда самарадорлик таъминланади. Бунинг учун тоза сув билан тўлдирилган ОВХ-28 пуркагичи ғўза пайкалига олиб чиқилади. У ерда 16 қатор ораликдаги ғўзага сепишга мўлжаллаб мослана-ди (28 қаторнинг ўрнига), ОВХ-14 пуркагичи эса 10—12 қаторни қамраб олишга мосланиши лозим бўлади. Ҳар бир пуркагич созланган босим ўлчагич (манометр) билан, албатта, таъминланган бўлиши шарт. Чунки сепиш ишлари тракторнинг иккинчи ҳаракат тезлигида бажарилиши ва ҳар гектарига кам деганда 300—400 литр суюқлик сарфланиши зарур.

Марказлашган суюқликдори тайёрлаш учун жойларда керакли миқдордаги хлорат магний дефолиантини ўлчаб олиш учун, албатта, тарози бўлиши шарт. Бунга катта аҳамият бериш керак. Эритма тайёрланадиган ҳовузлар ҳажми ҳам белгиланган бўлиши ва мутахассислар ҳар гал эритма тайёрлашда буни ҳисобга олишлари муҳимдир.

Ҳўжаликларда дефолиацияни ўтказиш ва тайёргарлик кўриш, бу ишнинг меъёри, мароми ва сифати, масъулият бош агроном, агроном ва агроном-энтимологлар зиммасига юклатилади. Албатта, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг барча қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиш керак.

А. РУСТАМБЕКОВ,
вилоят қишлоқ хўжалигига кимёвий хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси ўринбосари, ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси бошлиғи.

З. МАҚСУМОВ,
вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси пахтачилик бўлими бошлиғи.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

● КУНИ КЕЧА Югославиянинг Хорватия ҳамда Сербия жумҳуриятлари ўртасида ўт очишни тўхтатиш хусусида бир битимга келинган эди. Бироқ, орадан ҳеч нарса вақт ўтмай отишмалар қайтадан бошланиб кетди. Душанба куни ана шундай тўқнашув натижасида Хорватияда яна бир неча киши ҳалок бўлди. Хорватия расмий кишиларининг айтишича, отишма Югославия армияси қароргоҳидан отилган ўқлардан сўнг бошланиб кетган. Югославия ҳукумати бундай тўқнашувни қоралади.

● Никарагуа армияси яна 21 минг нафар кишига қисқарди. Бу ҳақда ахборот берган Никарагуа армиясининг қўмондони У. Ортега бизнинг армия Марказий Америкадаги энг кам сонли армия бўлиб қолади, деди. Ваҳоланки, илгари сандиночилар армияси 100 минг кишидан иборат эди. Сайловларда В. Чаморро ғалаба қилганидан сўнг, фуқаролар урушининг тугатилиши муносабати билан ўша пайтда армия 28 минг кишига қисқарган эди.

● ГЕРМАНИЯ ҳукуматининг икки аъзоси мамлакат конституциясининг баъзи бир моддаларига ўзгартишлар киритишни таклиф қилди. Бу ўзгартишлар ҳорижлик кишиларга бошпана беришга тааллуқли бўлади. Матбуот вакиллари билан қилган суҳбатида молия вазири Т. Вайгель ўзгартишлар шу йилнинг кузигача киритилиши керак, деб ҳисоблайди. Чунки, ўша пайтда Югославия ҳамда СССРдан келадиган муҳожирлар оқими кўпайиши мумкин.

● ВЕНГРИЯ Ташқи ишлар вазири Г. Есенски Венгриянинг Албанияга 100 минг тонна буғдой билан ёрдам бериши тўғрисида гапирди. Шунингдек, вазир Венгрия билан Албания ўртасида қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига тааллуқли қўшма корхоналар бунёд этилиши мумкин, деди. Есенски сўнгги ўн йиллар давомида Албанияга ташриф буюрган Венгриянинг биринчи давлат арбоби бўлди.

● ЯҚИН кунлар ичида Америкада Панаманинг собиқ мустабид ҳокими — Мануэль Норьега устидан суд бошланиши кутилмоқда. Суд Майами шаҳрида бўлиб ўтади. 53 яшар генерал Норьега 1989 йилда ўз лавозимидан четлаштирилганидан сўнг ҳибсга олинган эди. У 20 ойдан буён қамоқхонада ўтирди. Шарҳчиларнинг фикрича, Норьегага қўйилаётган барча айблар исбот қилингудек бўлса, у 145 йиллик қамоқ жазосига ҳамда бир миллион доллардан ортиқ жаримага ҳукм этилиши мумкин.

● САНТЬЯГО қабристонларидан бирида номаълум 105 шахс жасадларининг қолдиғи топилди. Улар 1973 йилда Чилида содир бўлган давлат тўнтариши натижасида қурбон бўлган кишилар, деб ҳисобланмоқда. Мутахассислар қурбон бўлганлар орасида касаба уюшма аъзолари, қатор коммуналарнинг раҳбарлари, бошқа оқимларга мансуб фуқаролар бўлиши мумкин, деган хулосага келдилар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, 1973 йил сентябридан 1974 йил январигача Чилида 2025 нафар киши маҳв этилган эди. Ҳозиргача улардан 975 нафари дом-дараксиз йўқолган, деб ҳисобланмоқда.

● МАЪЛУМКИ, 1990 йил 3 декабрида Аргентинада бир гуруҳ ҳарбийлар томонидан исён уюштирилган эди. Исён иштирокчиларининг асосий мақсади Аргентина ҳукуматини ағдариб ташлаш бўлган. Ана шу ҳарбий исён раҳбарларининг устидан бошланган суд шу йил апрель ойидан бошлаб давом этди. Суд ҳарбий исён раҳбари, қуруқликдаги қўшинлар полковниги Мохамед Али Сейнельдинни умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилди.

● РЕЙТЕР ахборот агентлигининг хабар беришича, Албания пойтахти Тиранада Энвер Ҳожага ўрнатилган энг қимматбаҳо, италия мармаридан ясалган уч метрлик ҳайкал олиб ташланди. Ҳайкални бунёд этиш учун 54 миллион доллар сарфланган эди.

● ХАЛҚАРО валюта фонди Ҳиндистонга 620 миллион доллар миқдорида шошилинч заём бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарз Ҳиндистоннинг ички тижоратидаги камоматларни ҳамда ташқи қарзларни қоплаш учун сарфланади.

● АҚШ тиббиёти инсон жисминнинг ҳар қандай аъзосини кўчириб ўтказиш имкониятига эга. Юрак, ўпка, буйрак, тос суяклари, ички безлар ва бошқа аъзолар бемалол кўчириб ўрнаштирилиши мумкин. АҚШ шифокорларининг айтишича, фақат бундай аъзоларнинг етишмаслиги бир мунча қийинчиликлар туғдирмоқда. Суратда: аъзо кўчириб ўтказувчи госпиталларнинг бирида.

ТАСС сурати.



МАҲАЛЛАЛАРДА НИМА ГАП?

«Бирлашган»дан ўрганса арзийди

Пойтахтимизнинг Ҳамза ноҳиясида «Бирлашган» номли маҳалла бор. Маҳалла қўмитасининг раиси собиқ ички ишлар вазирлигининг ходими, истеъфодаги майор Орифжон Умаров ҳамда маҳалла фаоллари меҳнат фахрийси Рихситилла Қўрғонов, 6-ҳунар-техника билим юрти директори Абдукарим Қаюмхўжаевлар ёшларни тарбиялаш, улар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун катта ишларни амалга оширишяпти. Участка инспектори Хизмат кўрсатган СССР ички ишлар ходими, милиция майори Эргаш Аширбоев ҳам бу ишда уларга яқиндан ёрдам бераётир.

Асосий эътибор ёшларнинг маданий ва маиший дам олишини тўғри ташкил этишга қаратилган. Яқинда спорт майдончаси қуриб битказилди. Хайрли ишга маҳалла аҳолисидан — Зуҳур Хошимов, Юсуф Раҳматулин, Рустам Тошбоев ва бошқалар муносиб улуш қўшдилар. Турли хил спорт анжомлари билан жиҳозланган майдонча эндиликда ёшлар билан гавжум. Ҳатто маҳаллий футбол командаси тузилди. Бунга Тошкент конструкторлик-тажриба бюросининг ходими, ҳаваскор футболчи З. Ҳошимов бошчилик қилаяпти.

Шу билан биргаликда маҳаллада жамоатчилик кучи билан янги клуб бунёд этилиб, турли хил тўгараклар тузилган. Шахмат-шашка тўгараги айниқса оммавийлашиб кетди. Ҳатто болалар ўртасида биринчилик ҳам ўтказилаяпти. А. Қаюмхўжаев ва А. Боймирзаевлар бу ишга бош-қош бўлибгина қолмай, қизиқувчиларга қадимий ўйин сирларини бажонидил ўргатишаяпти. Клубда шунингдек, санъаткорлар, ёзувчилар ва бошқа таниқли кишилар билан қизиқарли учрашувлар ўтказиш йўлга қўйилган. «Қизлар тўгараги»да эса хотин-қизлар кенгаши аъзолари бўлажак уй бекалари учун тикувчилик ва пазандалик маҳоратини ўргатишаяпти.

Райондаги 13 та бирлашган маҳаллалар қўмитаси кенгашининг раиси М. Султонов ҳам бу ерга тез-тез ташриф буюриб туради. Турли хил фикрлар, мулоҳазалар айтилади. Тажриба алмашилади.

Олиб борилаётган хайрли ишларнинг натижаси ўлароқ маҳалла кўчалари тинч ва осойишта. Кейинги пайтда авж олиб кетган ўғирлик, қонунбузарликнинг бу ерда пайи қирқилган.

Суратларда: 1. Маҳалла қўмитаси аъзолари кундалик мулоқотда (чапдан ўнгга) маҳалла қўмитасининг раиси О. Умаров, фаоллар Р. Қўрғонов, М. Султонов участка инспектори Э. Аширбоев билан суҳбатда. 2. Спорт майдончасида. 3. Фахрий пенсионер А. Боймирзаевни шахмат-шашка клубидагилар яхши билишади.

Р. АЛЬБЕКОВ.

Муаллиф суратлари.





ЙЎЛЛАНМАГА 10 ФОИЗИНИ ТЎЛАШМОҚДА

«Янгийўл» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари санаторийлар ва дам олиш уйларига бериладиган йўлланмалар нархининг атиги 10 фоизини тўлашмоқда. Унинг қолган 90 фоизини корхона тўлайди. Бу маблағлар жамоа барқарор равишда ишлаб топаётган фойдадан олинмоқда.

Ижтимоий соҳани мустаҳкамлаш, бозор муносабатларига ўтиш давридаги оғир шароитда ишчиларни ҳимоя қилиш — меҳнат жамоаси кенгаши, касаба уюшма комитети ҳамда бирлашма раҳбариятининг асосий вазифаси шундан иборат. Бу ерда тақчил юмшоқ мебеллар ҳамда мактабгача ёшдаги болалар муассасалари учун мебеллар ишлаб чиқаришни бир меъёрда кўпайтира бориб, маҳсулот сифатини яхшилаш учун зўр бериб ишлашмоқда. Кейинги вақтда маҳсулот сифати анча яхшиланди. Ишлаб топилган фойдага ишчилар учун уйлар сотиб олинмоқда, бирлашмада ўн беш йилдан кўпроқ ишлаб, пенсияга кетаётган ҳар бир ходимга етти минг сўмгача пул берилади.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси жамоа бир маромда ишлашига ижобий таъсир кўрсатди. Корхонада кадрлар қўнимсизлигига деярли барҳам берилган.

(ЎзТАГ мухбири).

ДАИ ХОДИМИ МИНБАРИ

БОЛАЛАРНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

Бола-бола-да, кутилмаганда катта кўчадан югургилаб ўтиб кетади, машиналарга маҳлиё бўлиб, эҳтиёткорликни унутади. Ана шундай пайтда ҳар қандай ҳайдовчи ҳам шошиб қолади, устароқлари машиналарини фалокат ёқасида тўхтатишга улгуради. Афсуски...

...Ўша куни уч ёшли Аҳмад катталар назоратидан четда қолган эди. Болакай ўйин билан бўлиб, ҳеч нарсани сезмасди. Катта кўчадан эса машиналар «ғирғир» ўтиб турарди. Шу пайт «ГАЗ-53» маркали «4127 ТШН» номерли машинанинг тормоз овози йўловчиларни ҳушёр торттирди. Улар шу томонга югурдилар. Лекин кеч бўлган эди: бола йўл четида қонга беланиб ётарди. Бу бахтсиз ҳодиса Бекобод районидаги Стретенко қишлоғида рўй берди. Бундан 11 кун олдин шу райондаги «Далварзин» давлат хўжалигида ҳам уч ёшли Нуриддин Холматов катталар бепарволиги қурбони бўлди.

Биз азиз фарзандларидан айрилган ота-оналарга ҳамдардмиз, уларнинг сўнгсиз қайғуларини яхши тушунамиз. Лекин вазифамиз, бурчимиз-да, очиғини айтишга мажбурмиз: ҳали орамизда ўз болаларини қаровсиз ташлаб қўядиган, эҳтиёт чорасини кўрмайдиган ота-оналар учраб туради. Бу билан одамлар гавжум қишлоқлар ичидаги йўллардан катта тезликда юрадиган қоидабузар ҳайдовчиларни оқламоқчи эмасмиз, улар қонун олдида жавоб берадилар. Лекин нима бўлганда ҳам дунёга эндигина келиб, бевақт ҳалок бўлган болакайларга ачинамиз. Чунки ҳаммамизнинг фарзандимиз, невараларимиз бор, уларни авайлаб-асрашимиз, машина, сув ва ўт балоларидан сақлашимиз керак.

Вилоятимиз ҳудудида ўтган етти ой мобайнида 358 та йўл-транспорт бахтсиз ҳодисалари рўй берди. Натижада 59 нафар бола ва балоғатга етмаган ўсмир ҳалок бўлди, 326 нафари тан жароҳати олди. Уларнинг ҳар бири кимларнингдир азиз, якка-ёлғиз жигарбанди, умиди-суянчиғи эди. Катталарнинг лоқайдлиги, ҳайдовчиларнинг бебошлиги, йўл ҳаракати қоидаларига талаб даражасида риоя қилинмаётганлиги ана шу фожиаларга олиб келди.

Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида вилоят ижроия комитети қошидаги йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш комиссияси вилоят ҳудудида «Диққат, болалар!» деб номланган махсус тадбир ўтказмоқда. Тадбир давомида бахтсиз ҳодисаларни камайтириш режалари ишлаб чиқилади, илғор тажрибалар оммалаштирилади.

Бу тадбир 10 сентябргача давом этади.

А. ҚУШБОЕВ,

Вилоят ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси ходими, милиция катта лейтенанти.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

ХАЛҚАРО АВТОМАТ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АБОНЕНТЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳридаги барча АТС абонентлари учун қуйидаги мамлакатларнинг шаҳарлари билан халқаро автомат телефон алоқаси ўрнатилди: Болгария, Венгрия, Германия, Чехословакия, Польша, Югославия.

Бошқа мамлакатдаги абонентни чақириш учун «8» рақамини териб, товуш эшитилишини кутасиз, кейин эса изчиллик билан: «10» рақамини, мамлакат кодини, шаҳар кодини, чақирилаётган абонент номерини терасиз.

Мамлакатлар ва шаҳарларнинг кодлари ҳақида маълумотлар олиш учун 44-39-31 телефони орқали мурожаат қилинсин.

Абонент билан тезроқ боғланиш учун зарур номерларни теришдан олдин рақамларни тегишли тартибда ёзиб олишингизни маслаҳат берамиз, чунки териш пайтидаги пауза 5 секунддан ошмаслиги лозим.

Агар 40 секунд давомида уланиш амалга ошмаса дастакни қўйиб қўйиш, кейин теришни қайтариш зарур.

Мазкур мамлакатлар ва Москванинг минтақа вақти орасидаги тафовутлар:

Болгария — 1 соат

Венгрия — 2 соат

Югославия — 2 соат

Польша — 2 соат

Германия — 2 соат.

Чехословакия — 2 соат.

Тошкент телеграф-телефон станцияси.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

СЕНТЯБРЬ ОЙИ РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

5/IX да — Алишер Навоий.
6/IX да — Жизель.
7/IX да — Риголетто.
8/IX да — Чиполлино (12.00), Чио-Чио-сан (19.00).
10/IX да — Алишер Навоий.
11/IX да — Шоирона лавҳалар.
12/IX да — Оловли фариштa.
13/IX да — Шоирона лавҳалар.
14/IX да — Фауст.
15/IX да — Алибобо ва 40 қароқчи (12.00), Корсар (19.00).
17/IX да — Фигаронинг тўйи (премьера).
18/IX да — Севги тумори.
19/IX да — Зебуннисо.
20/IX да — Дунёнинг яратилиши.
21/IX да — Фауст.
22/IX да — Золушка (12.00), Масҳарабозлар (19.00).
24/IX да — Травната.
25/IX да — Боғчасарой фавворaси.
26/IX да — Майсаранинг иши.
27/IX да — Раймонда.
28/IX да — Князь Игорь.
29/IX да — Маликан айёр (12.00), Оққуш кўли (19.00).

Чипталар театр кассасида соат 10.00 дан бошлаб сотилади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-90-81, 33-33-22.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

7 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

ЎРГАТИЛГАН ҲИНД МАЙМУНЛАРИ ВА ТАИЛАНД ОЛА-ЧИПОР БУҒМА ИЛОНЛАРИ В. МОРОЗОВСКИЙ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДОНГ ТАРАТГАН МАСҲАРАБОЗЛАР ГУРУҲИ

ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА РАНГ-БАРАНГ ДАСТУР.

Томошалар — соат 19.00 да;
шанба кунлари — соат 16, 19.00 да;
якшанба кунлари — соат 12, 15, 18.00 да бошланади.

Касса соат 10 дан 19.00 гача очиқ.

Циркнинг ички саҳнида шошилинч фото хизмати мавжуд.

Маълумотлар учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

БИЗ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДАМИЗ

ТОШКЕНТ ЖУРНАЛИСТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ

ТАРЖИМОН МАРКАЗИ

вазирликлар, идоралар, корхоналар, хўжаликлар, шу жумладан айрим фуқаролар буюртмасига асосан турли матнларни, ҳужжатларни, илмий ва ижтимоий-сиёсий асарлар, диссертацияларни рус тилидан ўзбек тилига ёки, аксинча, ўзбек тилидан рус тилига таржима қилишни амалга оширади.

«ТАРЖИМОН», бу — тезкорлик, малака, сифат;
«ТАРЖИМОН», бу — тажрибали таржимонлар;
«ТАРЖИМОН», бу — аниқлик ва пухталик;
«ТАРЖИМОН» хизматингизга тайёр.

Телефон: 33-62-61.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси номидаги кўча, 41-уй. Тошкент журналистлар ташкилоти.

Узбекистон Болалар жамғармаси бошқаруви ва жамғарма Тошкент вилоят бўлими ходимлари бўлим раиси М. Солиҳованинг опаси

Зоҳида СОЛИҲОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ШОИР ХОТИРАСИ

Лермонтовнинг машҳур «Иблис» поэмаси билан ўзбек китобхонларини биринчи марта Мамарасул Бобоев таништирган. Ўнлаб китобларнинг муаллифи ўз ҳаётининг кўп қисмини Каттақўрғон шаҳрида ўтказди. Бу ерда жамоатчилик шоирнинг 80 йиллик юбилейини нишонлади.

Тантанали кечада М. Бобоев номли мактаб ўқувчилари шоирнинг «Она қалби» поэмасидан саҳналарни намойиш қилдилар. Мамарасул Бобоевнинг қариндошлари ва дўстлари ўз хотираларини сўзлаб бердилар. Шоирнинг жияни Амина Асадуллаева унинг фронтдаги ҳаёти, Ўзбекистондаги турли газета ва журналлар таҳририятида олиб борган ишлари ҳақида гапириб берди.

Кеча қатнашчилари Мамарасул Бобоевнинг шеърий тўпламларидан парчалар келтириб, унинг таржимонлик соҳасидаги катта фаолияти тўғрисида ҳам гапирдилар. Шоир ўзбек китобхонларини Н. Некрасов, К. Симонов, Муса Жалил, Степан Шчипачев, Самад Вурғуннинг айрим асарлари билан биринчи бўлиб таништирган эди.

(ЎзТАГ).

НОЁБ ТОПИЛМА

(Топишмоқ)

СТОЛДА ўтирганларнинг бири ўрнидан сапчиб турди:

— Топдим, топдим, хайриятe.

Иккинчи киши: — Ийғ-е, наҳотки сенга чиққан бўлса?

Учинчи киши: — Кўрмаяпсанми, ўзиям нақ нўҳотдек.

Биринчи киши: — Ўзиям омади бор йигитман-да, бир марта лотереяга «Запорожье» ютганман, бу йил қўйим ҳам жуфт қўзилаган эди. Энди бу омадни қаранг!

Иккинчи киши: — Учаламиз бир столда ўтирганимиз учун буни учга бўламиз-да...

Биринчи киши: — Нима деяпсиз, буни уйга олиб кетаман, болаларимга бир кўрсатай.

Учинчи киши: — Ҳа, омадинг бор экан, мен мана иккинчи косани тугатяпман, ҳеч ваҚо йўқ.

Биринчи киши: — Қаранг, тўққизинчи чучварани шундай очсам, пиёз орасида турибди-я! Ё ошпаз адашдимикан-а?

Иккала хўранда: — Яна бир косадан олайлик-чи, зора бизгаям бахт кулиб боқса...

Қани айтинг-чи, чучварани ичидан нима чиққан бўлиши мумкин?

А. ИКРОМОВ.

МАЖЛИСДАГИ... МАРДИКОРЛАР

• Ҳаётий ҳангома

ЧОРСУДАГИ мардикор бозорига иши тушмаган одам камдан кам топилса керак. Камина ҳам боғ-ҳовлида иш бошлаш ниятида бозорга йўл олдим. Дарҳол атрофимни ўспиринлар ўраб олишди.

— Мулла ака, қандай иш бор?

— Пойдеворга бетон қуямиз.

Беш-олти йигит юз ўгириб кетди.

Елкасига спорт халтасини осиб олган, қадди-қомати келишган бир йигит менга юзланди:

— Мана биз борамиз-да, мулла ака, пулига чидасангиз бўлгани.

Сўнг сўроқ қила кетди. Тош, қум, шағал оралиғи неча метрлигини, сувни қанча масофадан ташиб келтиришлигини, асбоб-ускуналар етарлигини... Обдон суриштириб бўлгач, муддаога ўтди:

— Кубасига 80 сўмдан берасиз.

— Арзонроқ бўлмайдими?

— Энди мулла ака, ҳозир бозор иқтисодиёти деганларидек, бир кило шафтоли 6—7 сўм, мана бу ошнамнинг калласидек тарвуз 5—6 сўм бўлгач, янаям биз инсоф билан сўраяпмиз.

Бироз тортишгач, ҳаққини келишиб, манзилга йўл олдик. Йигитлар ишбошчиси қашқадарёлик Султонмурод бўлиб, Тошкент жисмоний тарбия институти талабаси экан. Гапга бурро бу йигит билан бир пасда эски танишлардек, апоқ-чапоқ бўлиб кетдик.

— Хўп замонларда яшаяпмиз-да, — деди йўлда кетаётганимизда Султонмурод. — Бу бош ёш бўлишига қарамай, неларни кўрмади, — деди у дўпписини қўлга олиб бошини аста силаркан, — Бетон қордим, ишт отиб, пахса урдим. Тўйга бориб, ўчоқ ковладим, булар-ку майли-я, яқинда денг, қизиқ бир воқеа бўлди. Бир одам автобусда келиб, мажлисга борадиган одамлар борми, деб қолди.

— Йигирматача одам керак. Соатига ўн сўмдан. Истаганлар автобусга чиқаверсин. Дув этиб одамлар автобусга чиқа бошлади. Мен ҳам ўшаларга эргашиб чиқибман.

Автобус, лиқ тўлди. Эгаси йигирма кишидан ортиқ одам керак эмас, деб туриб олди. Ўндан ортиқ ёш-ялангни зўрлаб туширгач, жўнадик. Ҳалқа йўлдан ярим соатча юрар-юрмай, манзилга етиб келдик. Қўлтиғига папка қистириб олган оқ сочли чўтир киши бизни бир хонага бошлаб кирди-да, шарт этиб эшикни қулфлади. Биз ҳайронмиз. У қиладиган «иш»имизни оҳиста тушунтирди ва папкасидан бир варақли рўйҳат олиб белгилай кетди.

— Хўш бошладик. Сенинг исминг Болта, фамилиянг Ибодов. Сен эса Карим Олимовсан. Менга ҳам навбат келди. Янги исмим Норқобил бўлди. Аҳмадалиев фамилиям эса Самандаровга айланди.

Хонадан чиқиб мажлисга йўл олдик. Рўйхатдан ўтиб, қўлимизга кўк қоғоз тутқазишди. Мажлис бошланди. Ҳаммамизнинг нигоҳимиз бизни бу ерга олиб келган ўша оқсоч кишида. Қўл кўтарса кўтарамиз, кўтармаса йўқ. Олти соатча давом этган мажлисда қилган ишимиз қўл кўтариб, қўл туширишдан иборат бўлди. 60 сўмдан «иш»лаб келдик. Лекин бизни ёллаган ўша киши ҳам ишига пухта экан. Тошкентга келгач, автобусда ведомостга қўл қўйдириб, кейин пул берди.

Шунақа, мулла ака, биз, мардикорлар раҳбарларни ҳам сайлашга қурбимиз етади...

Сўнг бироз ўтгач, қўшиб қўйди.

— Бир орзуим бор-да, мулла ака!...

— Қани, эшитайлик-чи?

— Шу денг, бир кунмас — бир кун, кимдир мардикор бозорига келиб «ҳой, одамлар, кимда-ким спектакль ёки концертга боради, ҳаққига мунчадан бераман», деса орзуим ушаларди.

— Жуда оширвордингиз-ку. Бу энди хом ҳаёл бўлса керак?

— Бе, мулла ака, ким айтади сизни кўпни кўрган деб, мана қараб туринг, бу ҳам бўлади. Бош омон бўлса, кўрамиз. Шундай кунлар ҳам етиб келади.

Султонмурод бу гапларни тўла ишонч билан айтди ва қўшиб қўйди:

— Мана, сизга ўхшаган биронта ёзувчи (кечирасиз, бу ҳазил) асар ёзди дейлик, театрга эса томошабин келмади. Ўша одам ёру-дўстлари, қариндош-уруғлари олдида шармандa бўлмаслик учун асарига томошабинни мардикор бозоридан олиб кетмаслигига кафолат бера оласизми, а, лаббай?

Мен таслим бўлдим. Гапга бурро Султонмурод ва унинг дўстлари менинг хизматимни зиёдаси билан адо этиб, хурсанд қилиб қайтишди...

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: мафкура — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

● Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриёти нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: 5987. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 00.15.